*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 13 декабрь, шанба • №100 (11.591) • Эркин нархда сотилади

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

11 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатлар элчилари, дипломатик корпус, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.



Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

– Мен бугун Олий Мажлисимиз сессияси кун тартибига киритилган муҳим бир масала, яъни ҳукуматимизнинг бошқарувида ўзгариш қилиш масаласи бўйича ўз фикрларимни билдириб, сиз, халқ ноиблари билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, яхши англайсиз, азиз дўстлар, биз қандай шиддатли, тез ўзгариб бораётган даврда яшамоқдамиз, деди Президентимиз.

Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган қандай ўта мураккаб ва оғир муаммоларни ечишга тўғри келяпти. Айни вақтда ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, эл-юртимизнинг эртанги кунини, фаровон ҳаётини таъминлаш вазифалари барчамиздан қандай ҳушёр ва сергак бўлишимизни, масъулиятимиз ва жавобгарлигимизни оширишни талаб қилади.

Бугун ким қаерда, қайси лавозимда ишламасин – қуйи, ўрта ва юқори – барча бўғинларда раҳбарлик лавозимида ўтирган шахслар ҳозирги замон олдимизга қўяётган бундай юксак талабларни ўз мисолида сезаяпти, кўраяпти.

Мамлакатимизда бугун барпо этилган, юқоридан пастгача бўлган ижро тизимини ягона ва яхлит бир система, деб қабул қилсак, бу тизимнинг энг юқори бошқарув поғонаси бўлмиш Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳбари ва аъзолари зиммасига қандай юксак масъулият юкланаётганини англаш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимиз, Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нимаики натижа ва ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ҳукуматимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Лекин, шу билан бирга, биз фақат қўлга киритган ютуқлар билан чегараланмасдан, ўз фаолиятимизга, қўйган қадамларимиз ва эришган марраларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда, ҳаётимизда мавжуд бўлган етишмовчиликларда ҳар қайсимиз ўз масъулиятимизни холисона кўришимиз ва англашимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Ана шундай ҳали-бери ечилмаган масалалар ҳақида сўз юритар эканмиз, мени шахсан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳаси, умуман, қишлоқ ҳаётида бундай муаммоларнинг кўплиги қийнайди. Албатта, бунинг негизида объектив сабаблар бор ва очиғини айтишимиз керак, уларнинг барчасини ечиш учун ҳозирча бизнинг имконият ва салоҳиятимиз етишмай турибди.

Лекин, бир нарсани тан олиш керак: қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, қишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: биз оғир табиий шароитда, иқлим кескин ўзгариб, сув ресурслари танқис бўлиб, ер унумдорлиги пасайиб бораётган бир вазиятда жуда катта машаққатли меҳнат эвазига ҳосил олишга эришмоқдамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Табиийки, биз кўпдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини ечиш тўғрисида бош қотирамиз. Агар ўз вақтида шу масалаларни, яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкий муносабатлар, аввало, ерга эгалик ҳиссиётини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, умуман қишлоқ хўжалиги тизимини бугунги кун даражасига кўтариш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўламиз.

Биз раҳбар бўлиб, бу муаммоларнинг кўлами кенгайиб бо-

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ш.М.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 10 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик заҳиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 10 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 10 декабрь.

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XVIII сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ қарор қиламан:

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XVIII сессияси 2003 йил 15 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими У. МИРЗАҚУЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 9 декабрь.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

## ТАҲЛИЛ, НАТИЖА, ВАЗИФА

*Мамлакатимизда 2003 йилнинг 20 ноябридан – 20 декабригача ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Барча жойда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ушбу ойликни ҳар томонлама самарали ўтказиш, аҳоли турар жойлари ва халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлигини кучайтириш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар уюштирилиб, амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ тузилган ҳокимлик ҳузуридаги ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вилоят комиссияси ўз йиғилишларида жойларда мазкур ойликни ўтказишнинг аҳволи ва қилинаётган ишлар ҳамда белгиланган тадбирлар ижросини таҳлил этиб, назорат қилиб бормоқда.*

Шу йил 11 декабрь куни комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳокимларининг муовинлари ва тегишли идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.

Вилоятда ёнғин хавфсизлиги ойлиги мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Юсуф Қосимов ахборот берди. Унда таъкидланишича, ўтган даврда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан 898 та корхона, хўжалик ва ташкилотлар, 177 та ўта муҳим ва тоифаланган корхоналар, 39842 та фуқаролар уйларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 394 та маскан, цех ва ало-

**(Давоми 2-бетда).**

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

раётганини пайқамасак, уларга тик қараш ўрнига ўзимизни улардан олиб қочиш кайфиятига берилиб кетсак, бу пировард натижада яхши оқибатга олиб келмайди.

Бу борада охирги вақтда биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласига жуда кўп эътибор бераётганимиз ва шу бўйича муҳим фармон ва қарорларни қабул қилганимиз сизларга яхши маълум.

Бугун мен шу муаммолар қаторида фақатгина бир масалага урғу бермоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шу соҳани бошқарадиган одамларга юксак масъулият билан бирга етарли ваколат ҳам бермасак, ўз-ўзидан аёнки, вазиятни сезиларли даражада ўзгартиришга эриша олмаймиз.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш, қишлоқ муаммоларини ечиш вазифалари ва масъулияти бугунги кунда кўпроқ жойлардаги вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасига тушмоқда. Бу ерда нафақат деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги-янги технологияларни жорий қилиш масалалари, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, содда қилиб айтганда, қишлоқ аҳолисининг ташвишларини яқиндан билиб, улар билан ҳамдард бўлиб яшаш ана шу вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарлари зиммасида эканини биз яхши биламиз.

Бу ҳақиқат, лекин шу билан бирга, яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам тан олиш керак. Яъни, жойлардан Марказга қўйилаётган талабларнинг вазирликлар, ҳукумат идоралари ва керак бўлса, ҳукуматнинг ўзида ҳал қилиниши жуда кўп ҳолларда қийин кечади ва пайсалга солинади. Лўнда қилиб айтганда, бу масалаларни ечишда Марказда, ҳукуматимизда зарур даражада масъулият етишмайди.

Очиқ эътироф этишимиз лозим – жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўядиган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўкламги экиш даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни шуғулланиш керак. Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўладими, даромад ёки буромад бўладими, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади, деди мамлакатимиз раҳбари.

Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, барчамиз яхши тушунамиз, бу соҳанинг таъсири бутун иқтисодиётимизда сезилади ва, керак бўлса, шу соҳага алоқадор бўлган барча-барча тармоқларни иш билан таъминлайди. Бу эса охир-оқибатда бутун иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини белгилайди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, биз кейинги йилларда ҳукуматимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқарадиган Бош вазир ўринбосари лавозимида кўп-кўп одамларни синадик, шу вазифага кўпгина раҳбарлар келиб кетди. Лекин вазият эскича қолмоқда.

Бугун Бош вазир лавозимида ишлаб келаётган Ўткир Тўхтамуродович Султонов бу борада қўлидан келганича ҳаракат қилаётганини ҳам айтишимиз лозим. Бу инсон ўзига юклатилган вазифага нисбатан масъулияти, меҳнатсеварлиги, бошқарувчилик малакаси, одамларга, ён-атрофдагиларга муносабати билан ҳар қандай ҳурматга сазовор.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу раҳбаримизнинг асосан индустрия-саноат соҳасини, авваламбор, юртимизда жойлашган катта-катта корхоналарнинг ишини ташкил қилишда кўпроқ тажрибаси бор. Қишлоқ хўжалиги соҳаси, қишлоқ муаммолари, уларни ўз вақтида узоқни кўзлаб ҳал қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Биз юқорида зикр этилган муаммоларни атрофлича кўриб чиқиб, бамаслаҳат бир хулосага келдик: Султоновни Бош вазир муовини лавозимига, яъни бугунги ҳукуматимиздаги иш тақсимоти бўйича машинасозлик, металлургия, химия, энергетика, нефть ва газ, геология ва шу каби тармоқларни бошқарадиган раҳбарлик вазифасига ўтказишга келишиб олдик.

Бош вазир лавозимига эса кўп ўйлаб, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, аввало, ҳудудларимиздаги шароитни яхши биладиган, шу жойларда ишлаётган одамларнинг дарду ташвишлари, орзу интилишларидан хабардор бўлган, буларнинг барчасини ўз тажрибаси, ўз ҳаётидан ўтказган одамни тайинлаш маъқул, деган хулосага келдик.

Куни кеча Олий Мажлис Кенгаши ва шу масалага алоқадор бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини таклиф этишга қарор қилдик, деди Президентимиз.

Бу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 93- ва 98-моддаларига биноан 2004 йилнинг декабрида Олий Мажлисимизга бўлиб ўтадиган янги сайловлардан кейин ҳозирги вақтда Президент раҳбарлик қилаётган Вазирлар Маҳкамасини бошқариш вазифаси Бош вазир зиммасига юкланади.

Бундай ўзгаришлар жараёни ўз навбатида ҳукумат аъзоларига ҳам ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис ҳукумат бу вазифаларни самарали адо этиш учун ҳозирлик кўриши ва ўз масъулияти, ўз жавобгарлигини оширишга тайёр бўлиб туриши даркор.

Энг муҳими, аввало, иш услубларини ўзгартириш ва замон талабларига мослаштириш, демократик андозаларга риоя қилиш, тез ўзгариб бораётган ҳаёт суръатларига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз ишончини қозониш учун ҳукуматимиз бор куч ва тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қилиши керак.

Бугун сессиямиз кун тартибига қўйилган мана шу масала бўйича, яъни ҳукуматимизнинг Бош вазирини тайинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари сўзининг охирида.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ў.Султоновни Бош вазир ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Парламент, шунингдек, "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунларни ва уларни амалга киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлисида депутатлар "Хусусий корхона тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунларни ва уларни амалга киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

* * *

Тошкентда 12 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессияси ишининг иккинчи куни "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик ҳавола этди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси бошлиғи О.Муродов, Сурхондарё вилояти офтальмология шифохонаси бош шифокори Р.Муҳаммадиев, Ўзтелерадиокомпаниянинг "Ўзбекистон" телеканали бош директори А.Аъзам иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиевнинг маърузаси бўйича депутатлар "Электрон тижорат тўғрисида"-ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Ғузор тумани ҳокими Х.Бозоров, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, "Бухоросувқурилиш" акционерлик жамияти раиси ўринбосари Э.Ҳайдаров мазкур ҳужжат бўйича ўз фикрларини билдирди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Ушбу масала юзасидан муҳокама чоғида Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғофуров, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова, "Урганчёғ" очиқ турдаги акционерлик жамияти директори ўринбосари К.Хўжамуродов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Наманган вилоятидаги Норин-Сирдарё ирригация кўл тизими бошқармаси бўлими мудири Х.Сайдуллаев ўз фикрини билдирди. Парламент ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Сессияда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев қатнашди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари ва комиссиялари номидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун депутатлар эътиборига ҳавола этди ва мазкур қонун қабул қилинди.

Сессияда депутатлар Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламент Олий Мажлис сессияси Котибияти раҳбари Д.Тошмуҳамедованинг фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳиддинованинг таклифига биноан Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг таклифига кўра Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгартишлар киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ТАҲЛИЛ, НАТИЖА, ВАЗИФА

ҳида хоналарнинг иши камчиликлар тугатилгунча тўхтатилди, 1638 та носоз, ёнғин чиқиш хавфи бўлган газ ва электр қурилмалари ўчириб қўйилди, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 769 фуқарога жарима солинди. Бундан ташқари, текшириш жараёнида табиий газдан ноқонуний ва қоидага хилоф равишда фойдаланилган 278 та, носоз ҳолда ишлатилган 386 та газ мосламалари аниқланиб, ўчирилди ва ҳужжатлар чора кўриш учун тегишли идораларга топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ойлик мобайнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғибот қилиш мақсадида маҳаллалар, ўқув юртлари ва жамоат жойларида 2000 га яқин учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди. 80



мингга яқин эслатмалар тарқатилди. 1800 дан ортиқ ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Натижада 10 кун ичида 2002 йилнинг шу даврига нисбатан ёнғинлар сони 90 тага камайишига эришилди.

Комиссия йиғилишида бундан ташқари вилоятнинг йирик саноат корхоналари, хусусан, Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл шаҳридаги «Биокимё» очиқ акционерлик жамияти, Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қай даражада риоя қилинаётганлиги ҳамда ойлик ўтказиш борасидаги ишлари муҳокама этилди.

Йиғилишда ёнғин хавфсизлиги ойлигида амалга оширилаётган ижобий тадбирлар таъкидланиши билан биргаликда асосий эътибор бу борадаги муаммоларга ва йўл қўйилаётган камчиликларга қаратилиши зарурлиги айтилди. Айниқса, юқоридаги сингари йирик корхона ва ташкилотларда, муассасаларда ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган камчиликларнинг бир неча йиллардан буён бартараф этилмай келинаётганлигини оқлаб бўлмайди. Йиғилишда ана шундай корхона, хўжалик, муассасаларда кўрсатиб ўтилган нуқсонларни бартараф этиш муддатларини аниқ белгилаш ва бу ҳақда комиссияга ахборот бериш, вилоятда ёнғин хавфсизлигига қарши тадбирларни ойликдан кейин ҳам узвий давом эттириш таклифи киритилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

## Семинар мавзуси:
# МАТБУОТДА ПЛЮРАЛИЗМ

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ва нодавлат, нотижорат ахборот манбаи маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда қатнашган оммавий ахборот воситалари ходимлари «Матбуот эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларида плюрализм» мавзусида маърузалар тинглашди.*

Унда Республикамизда ижод қилаётган таниқли журналистлар ҳамда шу соҳага боғлиқ бўлган турли касб билимдонлари фикр алмашишди.

Шунингдек, айни вақтда оммавий ахборот воситалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётган интернет тўғрисида ҳам семинар давомида тушунтиришлар берилиб, керакли қўлланмалар тарқатилди. Тадбир сўнгида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

***Камол ҒАЙРАТОВ.***

## 2003 йил — Обод маҳалла йили
# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

*Республикамизда 2003 йил — Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзтелерадиокомпания» ҳамкорлигида ўтказилган «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг учинчи босқичи якунланди.*

Шу муносабат билан «Экосан» халқаро жамғармасида кўрик-танлов ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бундай танловни ўтказишдан мақсад — маҳаллаларда яшовчи аҳолининг санитар-экологик маданиятини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла аҳлини кенгроқ жалб қилиш ва улар орасида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида маҳалланинг ўрнини янада кўтариш, ёшларнинг миллий қадриятларини эъзозловчи, эл-юртига фидойи инсон қилиб тарбиялашда ушбу даргоҳнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

***Ўз мухбиримиз.***

## 2004 йил — Меҳр-мурувват йили

# УЛАР — 12 НАФАР

*Ангрен шаҳридаги Қизил ярим ой жамияти бўлими 12 нафар имконияти чекланган болани ўз қарамоғига олди. Шаҳар халқ таълими бўлими билан тузилган шартномага мувофиқ улар билан машғулотлар олиб борилмоқда.*

Шу мақсадда махсус соғломлаштириш дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан гимнастик ўйинлар, уқалаш, доривор ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар билан муолажа қилиш амалга оширилади. Швейцариялик соҳа мутахассиси Микайела Тот болаларга компьютер жиҳозлари, Испания Қизил хоч жамияти Осиёни тадқиқ этиш маркази вакили эса, тиббиёт жиҳозлари ажратилишини маълум қилишди.

Шаҳар халқ таълими бўлими, 9-кон ва кулолчилик корхоналари ҳам ўз ҳомийлик ёрдамларини бериш мақсадида. Ўғил-қизлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жамият қошида ҳунармандчилик, спорт тўгаракларини очиш режалаштирилган.

***Воҳид БОЙМУРОДОВ.***

# ТАДБИР «САХОВАТ»ДА ЎТДИ

***Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» қариялар уйида яшовчи 232 нафар отахон ва онахонлар учун хайрия кечаси уюштирилди. Тўкин дастурхон устида одамларга меҳр-оқибатли бўлиш, раҳм-шафқат кўрсатиш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.***

— Ҳаётимизга хушвақтлик бағишлаган саховатпеша инсонлардан ниҳоятда миннатдормиз, — деди тенгдошлари Николай Ершов, Лилия Лаврухина, Аҳмад Болтабоев ва бошқа ёр-дўстларининг фикрини ифодалаб шу ерда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Абдураҳим Илёсов.

Хайрия кечасида Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

***Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.***

# «ПЛАСТЕКС»: СИФАТИГА КАФОЛАТ БОР





Зангиота туманидаги «Пластекс» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган плёнкалар сифатини харидорлар яхши билишади. Бир марта ушбу маҳсулотдан фойдаланганлар иккинчи марта уни жон-жон деб харид қилмоқдалар.

Шунга яраша бугун бу ерда ишлаб чиқариш суръати жадаллашган. Бир кунда 15 тоннадан зиёд плёнка ҳамда 250 минг дона махсус ўлчамдаги идишлар ишлаб чиқарилади.

Корхонада атиги 20 киши меҳнат қилади. Лекин, жамоа ҳамма нарсага бемалол улгураяпти. Сабаби — барча технологиялар замонавий, ускуналар хориждан келтириб ўрнатилган.

***СУРАТЛАРДА:** (ўнгдан чапга) плёнка цехи бошлиғи Жаббор Йўлдошев ва оператор Абдураҳмон Обидов; (чапдан) катта оператор Игор Черилев ва етакчи мутахассис Ботир Холматовлар иш жараёнида.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# КЎНГИЛЛАРИ ЎКСИМАСИН

*Қибрай туман ҳокимлиги ташаббуси билан тумандаги 300 нафар ногиронга дастурхон ёзилиб, ош тортилди.*

Шунингдек, уларга турли совғалар улашилиб, ўн нафарига ногиронлар аравачаси топширилди. Шу куни туманда жойлашган Тошкент вилоят аномал болалар уйи ҳамда 77-, 42-махсус интернат тарбияланувчиларига ҳам Қизил ярим ой жамияти ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг кийим-кечак ва ширинликлари тарқатилди.

## Танлов
# «ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ!»

*«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг «Металлург» маданият саройида Конституция байрами арафасида вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан яна бир тадбир ўтказилди.*

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг адабиёт, санъат ҳамда меҳнаткашларнинг бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳаси бўйича «Ўзбекистон Ватаним маним!» шиори остида ўтказилган танловида вилоят касаба уюшма ташкилотларида меҳнат қилаётган юздан ортиқ бадиий ҳаваскорлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Танлов натижасига кўра бадиий ҳаваскорлик бўйича «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб-чиқариш бирлашмасининг ишчиси Зуҳра Абдунабиева мақом, Ғазалкент ўқувчилар ижодиёти марказининг «Бўстон» гуруҳи вокал, Олмалиқдаги «Металлург» маданият саройи жамоаси хор, Тўйтепа металл қурилмалари корхонасининг «Сударушка» фольклор гуруҳи, «Аммофос» очиқ акциядорлик бирлашмасининг рақс дастаси, адабиёт соҳасида Янги Ангрен ИЭС кимё цехи бошлиғи Мавлуда Темирбекова, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти ишчилари Н. Соколова тасвирий санъат, С. Коновалов ҳайкалтарошлик йўналишлари бўйича ғолиб деб топилдилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда қатнашчиларига вилоят касаба уюшмалари кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## Анжуман
# ЙОДЛАНГАН ТУЗ
### инсон танасидаги йод тақчиллигини барҳам топдиришда муҳим аҳамият касб этади

ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида тузларда йод тақчиллигининг олдини олиш бўйича маслаҳат-кенгаш бўлиб ўтди. Унда туз ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда мазкур халқаро ташкилот вакиллари қатнашишди.

— Айни кунларда республикамизда аҳоли истеъмол қилаётган тузнинг 50 фоиздан ортиғи йодланмаган, — дейди Эндикринология институти директори Саид Исмоилов. — Бундай тузлар инсон танасида йод танқислигини вужудга келтириб, эндикринологик безлар фаолияти бузилишига олиб келади. Чунки, бутун дунёда йод етишмаслигининг олдини олиш фақатгина тузларни йодлаш орқали ҳал этилади. Сабаби, ҳар бир одам бир кунда 5-10 фоизгача туз истеъмол қилади. Йоднинг етишмаслиги эса, айниқса, болаларда миянинг ривожланмаслиги, ҳомиладор аёлларда она қорнидаги боланинг нобуд бўлишига ёки носоғлом туғилишига олиб келади.

Шунингдек, ушбу тадбирда 16 декабрь куни республикамизнинг барча умумтаълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчилари ўртасида саломатлик дарслари ўтказилиб, дарс жараёнида ўқувчиларда махсус индикатлар орқали истеъмол қилинаётган туз йодланган ёки йодланмаганлигини тажриба асосида фарқлаш кўникмасини ҳосил қилиш юзасидан машғулотлар ўтказилади. Бу ташаббус болаларни улар учун зарур бўлган билим билан қуроллантириб, келгуси авлодни хавфдан сақлаб қолиши таъкидланди.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***

*Тошкент Давлат аграр университети иқтисодиёт факультети талабаларининг касамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда биринчи курсда сабоқ ола бошлаганларга рамзий «билимлар калити», талабалик гувоҳномалари, рейтинг дафтарчалари топширилди.*

# РАМЗИЙ КАЛИТ ТОПШИРИЛДИ

Шундан сўнг талабалар томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Айниқса, «Гулбадан»нинг инглизча талқини, «Чимилдиқ»қа тақлид йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

***Нигора БОБОҚУЛОВА.***

*«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига олти йил тўлган бўлсада, орамизда бу қонунни билмайдиган, у орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдиган фуқаролар ҳали ҳам оз эмас. Боиси шундаки, ҳали кўпчилигимиз ўзимизнинг истеъмолчи сифатида ҳар куни бир неча бор ижтимоий муносабатларга киришишимизни билмаймиз.*

# ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ БИЛИБ ОЛИНГ

Сиз ҳар кунгидек харид қилиш учун бозорга, хизмат кўрсатиш корхонасига борасиз. У ерда ҳалол, инсофли кишилар билан биргаликда қаллоблар ҳам бор. Бирор нарсани харид қилиш мақсадида тасодифан шу қаллоблардан бирига дуч келдингиз, натижада у боплаб алдади. Шундай вазиятда қаерга, кимга ёки қайси органга мурожаат қилишингиз керак? Ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар етарли. Бу борада кимга мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқингизни талаб қилишингиз ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Истеъмолчилар, аввало, ўз ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш қоидалари билан тартибга солиниши ва кафолатланишини ҳамда қуйидаги ҳуқуқларни билишлари керак:

— товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиши;

— товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

— товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;

— истеъмолчига сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг санитария-гигиена ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқарилганлиги (кўрсатилганлиги) ҳақидаги кафиллик ҳужжати;

— ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайри қонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ ҳажмда қопланиши;

— сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг сифатини, бутунлигини ва оғирлигини текшириш;

— суд ва бошқа мутасадди давлат органларига бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат этиш.

Бу ҳуқуқларни мукаммал билиш товарларни сотиб олишда, хизматларга буюртма беришда ёки ишлар бажарилишида истеъмолчига ишонч ва дадиллик беради.

Истеъмолчилар товар сотиб олгандан кейин товарнинг нуқсонли эканлигини ёки кўрсатилган хизматнинг камчилигини билиб қолса, у ўз хоҳишига қараб, қуйидагилардан бирини:

— товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб берилишини;

— товарни бошқа маркали шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилинишини;

— товарнинг нуқсонларини бепул бартараф ёки бартараф этишга қилган ҳаражатларининг қопланишини;

— шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарнинг қопланишини;

— нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган маҳсулот туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Истеъмолчилар товар сотиб олгандан кейин товарнинг нуқсонли эканлигини билиб қолса, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини қуйидаги давр ичида амалга ошириши мумкин;

— товарнинг кафолат ёки яроқлилик муддати мобайнида;

— кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида.

Истеъмолчи нуқсонли ноозиқ-овқат товарни харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни мақбул сифатли товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг талаблари касса ёки товар чекини тақдим этганда кўриб чиқилади.

Истеъмолчига қуйидаги ҳолатларда сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи)ларнинг олди-берди қилишлари қонун йўли билан тақиқланади:

— товарни яроқлилик муддатисиз ёки яроқлилик муддати тугаганидан кейин сотиш;

— сотувчи истеъмолчига қўшимча маҳсулотларни сотиш ёки қўшимча хизмат кўрсатиш;

— касса ёки товар чекисиз товарни сотиш ва хизмат кўрсатиш;

— сертификатланиши зарур бўлган, аммо, тегишли сертификати бўлмаган маҳсулотни сотиш.

Товар (иш, хизмат) ҳақида зарур ахборот бўлмаса, бундай товарнинг сифати бузилган ёки соғлиқ учун хавфли, яхшиси сотиб олмаганингиз маъқул.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нима қилишлари керак?

Нуқсонли товар ёки сифатсиз хизмат бўйича энг аввало, дўкон сотувчисига ёки сотувчи ходимга, дўкон мудирига, хизмат кўрсатувчи ёки ижрочи ходимга, ишлаб чиқаришда товарни берган шахсга оғзаки мурожаат қилиши мумкин. Агар бузилган ҳуқуқлари тикланмаса, мулк шаклидан қатъи назар бозор маъмуриятига савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш раҳбарларига, унда ҳам ҳуқуқлари тикланмаса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ваколатли жамоат ва давлат органларига ёзма мурожаат қилиши керак.

Энг аввало, маҳаллаларда, уй-жой мулкдорлари ширкатларида, бозорларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида тузилган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг таянч гуруҳларига, туман, шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига, вилоят ҳудудий бирлашмасига ёки Республика Федерациясига истеъмолчи ҳуқуқлари қандай бузилишидан қатъи назар оғзаки, ишонч телефони орқали ёки ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин.

Сизни безовта қилаётган истеъмол ҳуқуқларингизни тиклаб беришга биринчилардан бўлиб ИҲҲҚ жамиятлари кўмаклашади.

Агар бузилган ҳуқуқлари тикланмаса, у ҳолда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига, стандарт, соғлиқни сақлаш, давлат архитектура ва қурилиш, табиатни муҳофаза қилиш, бошқа давлат бошқаруви органларининг туман, шаҳар бўлинмаларига, вилоят бошқармаси, қўмиталарига ёки республика вазирлигига ва қўмиталарига ёзма равишда мурожаат қилиш мумкин. Агар ҳуқуқлар тикланмаса, унда маҳаллий давлат органларига, яъни шаҳар, туман ҳокимликларига, вилоят ҳокимликларига ёки республика ҳукуматига (ёзма равишда) мурожаат қилиш мумкин. Шунда ҳам бузилган ҳуқуқлари тикланмаса, бевосита суд органларига мурожаат қилиб, истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Даъволар жавобгар ёки истеъмолчи жойлашган ёки зарар етказилган ҳудуддаги судга тақдим этилади.

Бундай ҳолатларда, истеъмолчилар мавжуд қонунчиликка биноан, давлат божини тўлашдан озод этиладилар.

***Камолжон ШОДИМЕТОВ,***
***Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси.***






***Эслатма:*** *истеъмолчи ҳуқуқи бузилганда ҳимоя сўраб поғонама-поғона (инстанцияга кўра) мурожаат қилса кўтарилган масала «тезроқ» ҳал бўлиши мумкин, чунки қуйи идоралар кўрмасдан туриб, юборилган мурожаат, барибир юқори органлар томонидан қуйи ташкилотга кўриб чиқиш учун қайтариб юборилади, шу орада анча вақт йўқотиб қўйиши мумкин.*

# «ЯНГИЙЎЛ» ОТАЖ АГРОФИРМАСИ БЎЙИЧА САЛМОҚЛИ ФАКТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

## ТАРТИБ РАҚАМИ 09

**АУЙ тури — навбатдан ташқари умумий.**

**Ўтказиш шакли — очиқ.**

**АУЙни ўтказиш санаси — 28.06.2003 й.**

**АУЙни ўтказиш жойи — Тошкент вил., Янгийўл ш., Самарқанд кўч., 143.**

**АУЙдаги жамоат — 69864та овоз берувчи акция ёки акциялар умумий сонининг 78.0 фоизи.**

**Овозга қўйилган масалалар:**

**1.**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорини ижро учун қабул қилиш ҳамда жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини унга мувофиқлаштириш.

**2.** Кузатув кенгашининг янги Уставини тасдиқлаш.«Рози» — 69344та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 124.

**3.** Акциядорлик жамияти Ижрочи органи раҳбарини ёллаш ҳақидаги меҳнат шартномаси, 2002 йил баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларни тасдиқлаш. «Рози» — 69145та овоз берувчи акция, «бетараф» — 170, «қарши» — 153.

**4.** а) Тафтиш комиссияси Уставини тасдиқлаш. «Рози» — 69356та овоз берувчи акция, «бетараф» — 0, «қарши» — 112.

**4.** б) Тафтиш комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш:

**Жаффарова Зуҳра** — «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси бўлим бошлиғи. «Рози» — 63348та овоз берувчи акция, «бетараф» — 5958, «қарши» — 162.

**Абдураҳмонов Мамасолиқ** — «Янгийўл» хўжалиги бош муҳандиси. «Рози» — 62857та овоз берувчи акция, «бетараф» — 6076, «қарши» — 535.

**Айимбетов Жумахон** — «Навоий» хўжалиги бош ижарачиси. «Рози» — 62845та овоз берувчи акция, «бетараф» — 5975, «қарши» — 648.

**8.** Акциядорлик жамиятларидаги давлат вакиллари ҳақидаги Низомни ижро учун қабул қилиш ҳамда ставкасини ишлаб чиқиш ва давлат вакилини пул билан тақдирлаш муддатларини белгилаш. «Рози» — 62724та овоз берувчи акция, «бетараф» — 159, «қарши» — 6575.

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ГАЗ!

## ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Иситиш мавсуми бошланганлиги муносабати билан газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини эслатиб ўтамиз.

Иситиш асбобларини ишга туширишдан олдин мўрилар, ҳаво тортиш йўлларининг техник ҳолатларини текшириш ва турар-жой бўйича шаҳар (туман) газ идораларига далолатнома тақдим этиш лозим.

Иситиш ва сув иситгич асбобларида ҳар гал газни ёқиш олдидан ёнаётган жгутни иситиш печининг кузатиш тешикчаси ва қозоннинг, колонканинг ҳаво тўхтатгичи қалпоғи остига олиб бориб, ҳаво тортилиши борлигини текширинг.

Мўриларнинг ифлосланиши оқибатида газнинг ёнишидан ҳосил бўлган зарарли моддалар хоналарга кириб, бахтсизликка сабаб бўлиши мумкинлигини унутманг.

Иситиш қозонларини ишлатиш мобайнида мажмуадаги сув миқдори даражасини кузатиб боринг.

Иситиш печларининг ҳаддан зиёд қизиб кетиши ва уларда дарзлар пайдо бўлишига йўл қўйманг.

Сув иситиш ва иситиш қозонлари хавфсизлик автоматикасининг созлигини кузатиб боринг.

Ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Носозликлар туфайли газнинг мажбурий узиб-уланиши оқибатида хона газга тўлиши мумкин.

Газ плитасидан фойдаланилганда:

— конфоркага ости кенг идишларни махсус тагликсиз қўйманг;

— ювилган нарсаларни плита устида қуритманг;

— хонани иситиш учун газ плитасидан фойдаланманг;

— димлаш шкафини ишлатишдан олдин ҳавосини алмаштиринг. Горелка ўчиб қолса, уни қайта ёқишдан олдин шкафни бафуржа шамоллатинг.

Болалар ва газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларини билмайдиган шахсларнинг газ асбобларини ишлатишларига йўл қўйманг.

Шаҳар (туман) газ идораларининг рухсатисиз қўшимча газ асбоблари ўрнатиш, қайта ўрнатиш ва уларни газ таъминоти тизимига улаш тақиқланади.

Газ ҳидини сезганингиз заҳоти дарҳол газ асбобларини ўчириб, хонани шамоллатинг, электр ва очиқ оловдан фойдаланмай, зудлик билан шаҳар (туман) газ идорасининг авария-диспетчерлик хизматига хабар беринг.

Кундалик турмушда газдан фойдаланиш хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш уйингизда бахтсиз ҳодиса рўй бермаслиги кафолатидир.

**«Тошкентвилоятгаз» ҲГТК.**

# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Ҳурматли юртдошлар!**

Мана шу кунда республикамиз ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 667-ф рақамли фармойишига асосан Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Шу сабабли Тошкент вилояти Ёнғинга қарши кураш жамияти вилоят шаҳарлари, туманлари, аҳоли хонадонлари ҳамда пунктлари, боғча, мактаб ва халқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтириш мақсадида қуйидаги ишларни бажариш бўйича мурожаат этишингизни таклиф қиламиз:

1. Ҳар қандай газ билан иситиладиган иситиш қурилмаларини қуриш, илгари қурилганларини таъмирлаш ва уларнинг дудбуронлари созлигини текшириб, далолатнома бериш;
2. Иморатларнинг томларини ёғоч қисмларига ёнувчанлик хусусиятини пасайтирувчи кимёвий суюқлик билан ишлов бериш;
3. Ёнғиндан хабар берувчи автоматик мосламаларни ўрнатиш ва таъмирлаш;



4. Ҳар хил русумли ўт ўчиргичларни тўлдириш ва қайта тўлдириш.
5. Бирламчи ўт ўчириш асбоб-анжомлари ва ўт ўчириш қалқонлари билан таъминлаш.

**ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАРИМИЗГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.**

Юқорида қайд этилган ёнғин хавфсизлиги ишларини ўз вақтида амалга оширсак Ўзбекистон Республикасида ёнғин чиқишининг олдини олган ва халқимизни моддий ва маънавий зарар кўришдан сақлаган бўламиз.

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЁНҒИНГА ҚАРШИ КУРАШ ЖАМИЯТИ.***

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Буюк Ипак Йўли, № 204.

**Телефонлар:** 65-16-73, 65-29-62.

**Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2003 йил 5 ноябрдаги 5/2003-сонли қарори билан Чирчиқ шаҳар «Кафолат» адвокатлик бюросининг адвокати Махмудов Аҳад Ахтамовичга 1998 йил 15 декабрда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан берилган TS 000230 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиши олти ой муддатга тўхтатилди.**

**Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ҳайъатининг 2003 йил 7 ноябрдаги 21-сонли қарори билан Бекобод шаҳар «Шаҳноза» адвокатлик бюроси давлат рўйхатидан чиқарилди.**

*Шоир учун шеърни шарҳлашдан кўра шеър ёзиш осонроқ. Чунки, шеър эрта кўкламда ногаҳон юз очиб қолган куртак каби, кутилмаганда кўнгил кўзидан жилмайиб чиқади. Бу шеърга туртки бўлган қувонч ёки дард аслида сизга аввалроқ эргашиб юрган бўлади. Қолаверса, шоир гўзалликни қидириб яшайди, айни пайтда гўзаллик ҳам шоирга эргашиб юради. Дард ҳам худди шундай, шоир уни кўнгилдан қуваман деса, енгига ёпишади, енгини қоқса, барига тирмашади. Зеро, дардсиз шоир учун дардли кўнгиллар бағир очмайди.*

# КЎНГИЛДА ЮЗ ОЧГАН ВАТАН СУРАТИ




Ҳамид Норқул! Ҳеч кимга ўхшамаган инсон. Дардли шоир, дилида ҳайрати бор шоир. Тиз чўкса, Ватан меҳробига тиз чўкади. Ватан суратига чиройли ранг топса, уни қаламга олади. Ватан мадҳига мафтункор оҳанг топса, унинг жарангини шеърга солади. Миллат фарзанди бўлиб куйлайди, миллат ўғлони бўлиб дард чекади.

Биз шоирни ҳеч кимга ўхшамаган инсон дедик. Бу сифат билан биз уни сийрат ва суратидан фаришта ясамоқчи эмасмиз. Аксинча, биз билган Ҳамид Норқул тўғрисўз ва ростгўй. Рост сўзга эса одамлар ишонади. Умуман, одамларни бирор бир сўзга ишонтириш учун ижодкор ўз кўнгли баробарида ўзгалар кўнглини ҳам забт этиши керак. Ўзгалар қалбини сўровсиз забт этиш бахтига истеъдодли қалам соҳиблари, санъат эгаларигина муяссар бўла олишади.

Ҳамид Норқул Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида таваллуд топган. Қишлоқ болаларининг қувончу ташвишлари унга ҳам бегона эмас. Аксинча, бу манзара унинг шоир нигоҳида тез-тез бўй кўрсатиб туради. «Биз томоннинг ҳавосида сўз гуллайди», дейди шоир. Болалиги бешигини тебратган она қишлоқ бошидан сўз билан сочилган гулга ўхшайди бу сатр. Чунки, шоир қишлоғим гўзал деб, қуруқ ҳайқирмаяпти. Аксинча, гўзал бир тимсол билан киндик қони томган замин гўзаллигини кўзларга, дилларга муҳрлаяпти.

Ҳали босмахона бўёғининг таниш иси уфуриб турган шоирнинг янги китоби «Кўзлардаги дунё» деб номланибди. «Кўзлардаги дунё»ни варақлар эканман, беихтиёр «Ҳамид Норқулнинг кўнглидаги дунёси чиройли экан», деган ўй кечди хаёлимдан. Зеро, «Кўзлардаги дунё»нинг йўли кўнгил орқали ўтади. Кимдир бўй чўзаётган ниҳолга боқиб, асрлар ҳикоятини сўзлаб турувчи чинор салобатини кўриши мумкин. Бу ниҳол улғайгунча ким бору ким йўқ, деган одамнинг кўнглида гўзаллик барқ урмайди! Ишонч гуллаб турмайди! Бундай одамлар дунёга кўнгил кўзи билан эмас, қорин ташвиши билан қарайдилар. «Ҳозиргиси-ҳузургиси»нинг маишатида дунё гўзаллигини кўрадилар.

Тўпламдаги илк шеър «Уйғонган болалар» деб номланибди. Умр йўлининг 50 баҳорини қаршилаган шоир наздида уйғонган болалар бу — мустақил, озод юрт болаларидир. Улар Ватаннинг эртанги эгалари. Шу боис, тушларида ҳам ғурурлик билан «олишадилар».

***Тонгни уйғотади яна шовқинлар,***
***Яланғоч танларга нурлар ёқача.***
***Қуёшни байроқдек кўтариб олган,***
***Уйғонган болалар — энди бошқача.***

Фақатгина жисман эмас, қалбан уйғоқлик инсонга хос фазилат. тирик юрган одамнинг мудраб юришга ҳаққи йўқ. Қолаверса, бизнинг озодлигимиз — бизнинг уйғоқлигимизни талаб қилади. Шу маънода, таъбир жоиз бўлса, Ҳамид Норқулни уйғоқ шеърлар шоири дегим келди.

***Дарахтлардай уйғоқ бўлсин,***
***Ҳурлик сенинг кўксингда.***

Ҳақиқатан ҳам ҳурлигимиз осмондан тушгани йўқ. У миллатнинг қанча-қанча улуғларини миллат бағридан юлиб кетди. Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар билан бирга қанча айтилмаган рост сўзлар, гўзал ташбеҳлар ҳам кетди.

***Юрт кимга суяниб яшайди ахир,***
***Ачиниб яшаса ҳар ким жонига,***

дейди шоир «Менга байроқ беринг» шеърида. Умуман, Ҳамид Норқулнинг мазкур тўпламига жамланган шеърларини мустақил Ватан кўрки, мустақил давлат мадҳи, озод ва обод элу юртнинг тавсифидаги гўзал гулдаста дейиш мумкин.

Биз табиати жаннатмакон Ватанда — Ўзбекистонда туғилиб ўсганимиздан фахрланамиз. Аммо, фуқаролик бурчи биргина юрт гўзаллигидан фахру ифтихор қилиш билангина ўлчанмайди. Унаётган майса, оқаётган жилға қаровга, меҳрга муҳтож. Биз эса заминни Онадек эъзозлаб, ҳар бир майса билан тиллашиб, ҳар бир куртак билан сирлашиб, ердан ризқ терган бободеҳқон халқимиз. Шоир ана шундай халқи борлигидан фахрланади. Ҳатто, бу юртнинг аёллари-да:

***Қуёшни ҳам узатилган келинчакдай,***
***Ўз жойига қўндириб, сўнг қайтишади.***

Рости, аёлнинг даладаги машаққатли меҳнатини таърифлаш бироз оғриқли. Лекин, начора. Шеърга ёлғон ярашмайди. Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатга ишонади одамзот. Шу боис ҳам шоир «Тупроқ ҳиди» номли яна бир шеърида Ватан қадри ҳақида гапирар экан, «Уни бериб қўймайлик, илдизи йўқ сўзларга», дейди ифтихор билан.

Ҳамид Норқулнинг ўнлаб шеърлари ва улардаги гўзал ташбеҳлар ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Масалан, «Бу кунлар», «Майса-дарахт», «Шоир бўлсам», «Оппоқ пахтазор бу», «Топмагин», «Шеър етаклаб», «Кўзингиздан», «Оппоқ тонг бу» каби шеърлар рост сўзлари, ёқимли ҳарорати, кутилмаган ташбеҳлари билан ўқувчини ҳайратга солади, фикрлашга ўргатади, шеър етаклаган гўзал дунёга олиб киради.

Ҳамид Норқул сермаҳсул ижодкор. Ўзига хос тажрибага эга бўлган яхши муҳаррир. Ҳозиржавоб, оташин публицист. Шу давргача у ўзининг «Умр ранги», «Ойдин ниятларим», «Ёнар сўз», «Белида белбоғи бор эл» каби шеърий ва бир неча публицистик асарларини ўз ўқувчиларига тақдим этишга улгурди. Шу боис ҳам нафақат Тошкент вилояти, балки республикамиз қалам аҳли назарига тушган, камтарин ижоди билан қадр топган инсон.

***Ҳар бир шеърим — бир кунлик умрим,***
***Йўллар қўшсин йўлларингизга***
***Экилажак бир туп ниҳолдек***
***Тутдим уни қўлларингизга.***

Азиз ўқувчи, қўлингизга Ҳамид Норқулнинг «Кўзлардаги дунё» тўплами тушса, бир кун ҳам ортга сурмай, ўқиб чиқинг. Сиз шоирнинг кўнгил кўзидан тўкилган нурлар оғушида ҳузурланасиз. Шоир қўлларингизга рост сўзлар насимида ҳилпираб турган ҳурлик байроғини тутади. Сизни Ватанни севишга, ардоқлашга чорлайди. Озод Ўзбекистонда ўзгача яшаб бўлмаслигига сизни ишонтиради. Инсон учун эса, эртанги кунга ишониб яшашдан ортиқ бахт йўқ. Ватан сурати кўнгиллар кўзида нурланиб тураркан, демак, сиз бахтлисиз, биз бахтлимиз! Шеърларида шу нурни таратиб турган шоир Ҳамид Норқул эса бизлардан-да бахтлироқ бўлса ажаб эмас. Илоҳим шундай бўлсин.

*Маҳмуд ТОИРОВ.*

## Фотосанъат: анъана ва замонавийлик

*Жаннатмонанд юртимиз манзаралари, дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик қадриятларимиз, анъаналаримизни, фидойи ҳамюртларимиз ҳаётини кенг тарғиб этишда фотоижодкорларнинг хизмати катта.*

Моҳир сураткаш, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА фотомухбири Рустам Шагаевнинг Тошкент Давлат аграр университетида очилган шахсий кўргазмасида бу фикр яна бир бор тасдиғини топди. У Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фото уйи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмани Р.Шагаевнинг фотожурналистика соҳасидаги 25 йиллик ижоди сарҳисоби дейиш мумкин. Унинг "Шарқ дурдонаси", "Афғон кундалиги", "Болалар – келажагимиз", "Менинг жонажон пойтахтим" каби кўплаб кўргазмалари нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

*ЎзА.*

## ЁШ МАҚОМЧИЛАР ТАНЛОВИ

*Ўзбекистон Давлат консерваториясида Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочиларининг республика танлови якунланди. У миллий мақомчилик санъатимизни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёш ижрочилар ижодини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиляпти.*

Бу галги танловда юз нафарга яқин ёш ижрочи иштирок этди.

Танлов ғолиблари якка хонандалик, якка созандалик ва созандалар ансамбли йўналишларида аниқланди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси истеъдодли талабалари Набижон Қодиров (ғижжак), Беҳзод Сафаров (дутор), Мансур Воисов (рубоб), Илёс Арабов (дутор), Очилбек Матчонов (якка хонандалик) йўналишида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

*ЎзА.*

Биласизми?

## ОНАНИНГ КЎНГЛИ БОЛАДА...

Мутахассис психологлар фарзандлари мактабнинг куни узайтирилган гуруҳларига қатнамайдиган аёлларнинг меҳнат қобилиятини кузатдилар. Маълум бўлишича, болалари эрталаб ўқийдиган оналар пешингача хотиржам, диққат билан ишлар эканлар. Мактабда дарслар тугаш вақти келганда, бу оналар болаларини ўйлаб, асабийлаша бошлайдилар.

Фарзандлари иккинчи гуруҳда ўқийдиган оналар эса пешингача улардан хавотир бўлиб, безовта ҳолда ишлайдилар. Болалар мактабга бориб, дарс бошланадиган пайт келганда эса, бу оналарнинг кўнгиллари хотиржам бўлиб, иш унумлари ҳам шунга яраша ортар экан. «Онанинг кўнгли болада...» деганлари шу-да.

Бўка туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида собиқ «Туркистон» ширкат хўжалиги идорасида қабул қилинади.
*Тугатиш комиссияси.*

Бўка туманидаги «Бахмал» ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида собиқ «Бахмал» ширкат хўжалиги идорасида қабул қилинади.
*Тугатиш комиссияси.*

Бўка туманидаги «Улуғбек» ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида собиқ «Улуғбек» ширкат хўжалиги идорасида қабул қилинади.
*Тугатиш комиссияси.*

Бўка туманидаги «Кўкорол» ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида собиқ «Кўкорол» ширкат хўжалиги идорасида қабул қилинади.
*Тугатиш комиссияси.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-0045. Адади 3450. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6